

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У К М

2025 йил май ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, Раислик қилувчи: судья О.Хасанов, М.Абдуллаеванинг котиблигида, давлат айбловчиси Бешариқ туман прокурори катта ёрдамчиси А.Абдураззоқов, судланувчи Қ.Ҳамрақулов ва унинг химоячиси Б.Туйчиев, фуқаровий даъвогар М.Жалолиддиновларнинг иштирокида, Ҳамрақулов Қахрамон Жумановични айблаш ҳақидаги 1-1506-2501/126-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ҳамрақулов Қахрамон Жуманович (Hamraqulov Qaxramon Jumonovich), 1976 йил 02 январда Бешариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Бешариқ тумани, “Чимбой” м.ф.й., Қозақовул қишлоғи, Навруз кўчаси, рақамсиз уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 30.04.2025 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, атрофлича муҳокама қилиб, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувини эшитиб, прокурор ва химоячининг музокара, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, муҳокама қилиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Қ.Ҳамрақулов Фарғона вилоят ҳокимининг 19.01.2023 йилдаги 14-11-0-Қ/23-сонли қарори билан Бешариқ туманидаги “Чимбой-Бешсари-Новкат” ММТП худудида 705-сонли контур жами ер майдони 3.2 гектар, экин ер майдони 2.4 гектар ер майдони туман захирасига қайтарилган бўлса-да, қишлоқ хўжалик харитасининг 705-сонли 3.0 гектар қишлоқ хўжалик ерлар тоифасига кирувчи суғориладиган экин ерлар атамасида бўлган ўртача 62 балл бонитетли ер майдонининг 257.11 кв.метр қисмига 2024 йилда ҳуқуқий ҳужжатларсиз ноқонуний қурилмалар қуриб олиши натижасида 257.11 кв.метр суғориладиган экин ер майдонининг унумдор қатлами йўқотилиб, давлат ва жамият манфаатларига 22.773.118 сўм миқдорда зарар етказилгани аниқланди.

Судланувчи Қ.Ҳамрақулов судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, у қурилиш амалга оширилган 8 сотих ер майдони отаси Ж.Ҳамроқуловга 2005 йилда томорқа ер ҳисобида берилгани, у Бешариқ тумани “Чимбой-



Бешсари-Новкат” ММТП худудидаги 705-сонли ер майдонига 2 хонали яшаш учун хонадон қургани ва у ерда ўғли оиласи билан яшашини, у мазкур уйнинг ёнига 2024-2025 йилда мазкур ерга узунлиги 10 метр, энига 6 метр бўлган 3 хона уй ва узунлиги 12 метр, энига 6 метр бўлган молхона қургани, ушбу қурилиш учун бирор бир ташкилотдан рухсат олмагани, 2025 йил 18 февраль куни туман кадастр агентлиги ходимлари келиб мазкур қурилиш иншооти ноқонуний қурилганини айтиб далолатнома тузгани ва туман захирасида бўлган “Чимбой-Бешсари-Новкат” ММТП худудидаги 705-сонли экин ер атамасида бўлган ўртача 62 балл бонитетли ер майдонининг 257.11 кв.метр қисмига қўшимча яшаш уй ва молхонани 2024-2025 йилда қуриб битказгани, у ноқонуний қурилиш қилгани сабаб ер майдонларининг унумдор қатлами йўқотилиб, давлат ва жамият манфаатларига 22.773.118 сўм миқдорида зарар етказилгани аниқлангани, ҳозирда у содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноят натижасида етказилган 22.773.118 сўмни прокуратуранинг банкдаги ҳисоб-рақамига тўлиқ қоплаб бергани ва ўзбошимчалик билан қурилган бинони буздириб ташлагани, шахсини, муқаддам судланмаганини, қарамоғида мактаб ўқувчиси бўлган фарзанди борлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканини айтиб, қонуний энгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Фуқаровий даъвогар М.Жалолиддинов судда, у Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиши инспекцияси Фарғона вилоят бошқармасининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фойдаланишни назорат қилиш бўлими бош мутахассиси лавозимида ишлашини, туман прокуратурасининг талабномаси ва кадастр агентлиги Бешариқ туман бўлимининг алоқа хатига асосан, Бешариқ тумани, “Чимбой” МФЙ, Наврўз кўчасида яшовчи Қ.Хамроқулов томонидан “Чимбой Бешсари Навкат” ММТП худудида жойлашган туман ҳокимлиги захираси бўлган қишлоқ хўжалик харитасининг 705-сонли 3.0 гектар қишлоқ хўжалик ерлар тоифасига кирувчи суғориладиган экин ерлар атамасида бўлган, ўртача 62 балл бонитетли ер майдонининг 257.11 кв.метр қисмига ҳуқуқий ҳужжатларсиз ноқонуний қурилмалар қуриб олгани, тупрокнинг унумдор қатламига зарар етказилгани аниқлангани, у ушбу ҳолат юзасидан тузилган далолатнома ва тегишли ҳужжатлар билан танишиб, ерга етказилган зиённи Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 146-сонли қарорига асосан ҳисоб-китоб қилганида ерларнинг қишлоқ хўжалигидан чиқарилиши оқибатида етказилган зарар 22.773.118 сўм эканини аниқлангани, ҳозирда Қ.Хамроқулов томонидан ўзбошимчалик билан қурилган ноқонуний қурилмаларнинг том ва девор қисми бузиб ташлангани, қурилманинг пойдевори ва айвоннинг бир қисми бузиб олинмагани, жиноят натижасида етказилган зарар учун вилоят прокуратурасининг банкдаги ҳисоб-рақамига 22.773.118 сўм ундирилгани, ушбу маблағни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиши инспекцияси Фарғона вилоят бошқармасининг тегишли ҳисоб рақамига зарарни қоплаш мақсадида ўтказишни, уни зарар масаласида даъвоси йўқлигини айтиб кўрсатма берди.

Гувоҳ Х.Мазокиров судда, у кадастр агентлиги Бешариқ туман бўлимида бош инспектори лавозимида ишлашини, у ва бирга ишловчи ҳамкасби М.Набиев, А.Насирдиновлар 2025 йил 18 февраль куни Бешариқ



тумани, Чимбой МФЙ, Наврўз кўчасида яшовчи Қ.Ҳамроқулов Қаҳрамон Жуманович томонидан “Чимбой Бешсари Навкат” ММТП худудида жойлашган туман ҳокимлиги заҳираси бўлган қишлоқ хўжалик харитасининг 705-сонли кортуридаги 3.0 гектар қишлоқ хўжалик ерлар тоифасига кирувчи суғориладиган экин ерлар атамасида бўлган, ўртача 62 балл бонитетли ер майдонининг 257.11 кв.метр қисмига ҳуқуқий ҳужжатларсиз суғориладиган ер участкаларида ўзбошимчалик билан ноқонуний қурилмалар қуриб олгани ва тупроқнинг унумдор қатламига зарар етказганини аниқланиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиргани, тергов жараёнида ерларнинг қишлоқ хўжалигидан чиқарилиши оқибатида етказилган зарар 22.773.118 сўм экани аниқлангани, ҳозирда Қ.Ҳамроқулов томонидан ўзбошимчалик билан қурилган ноқонуний қурилмаларнинг том ва девор қисми бузиб ташлангани, қурилманинг пойдевори ва айвоннинг бир қисми бузиб олинмагани, жиноят натижасида етказилган зарар учун вилоят прокуратурасининг банкдаги ҳисоб-рақамига 22.773.118 сўм ундирилганини билдирди.

Судланувчи Қ.Ҳамроқуловнинг жиноий қилмиши унинг айбига иқроп бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, фуқаровий даъвогар М.Жалолиддинов, гувоҳ Х.Мазокировларнинг юқорида қайд қилинган суддаги кўрсатувлари, шунингдек, ишдаги 18.02.2025 йилда тузилган далолатномалар ва унга илова қилинган ҳужжатлар (и.в.5-30), Кадастр агентлигининг Бешариқ туман бўлмини ёзма кўрсатмаси ва унга илова қилинган фотосуратлар ва бошқа ҳужжатлар, “google егч” дастуридан олинган лавҳалар (и.в.31-36), қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муомаладан чиқариш натижасида етказилган зарарни ҳисоблаш юзасидан 21.02.2025 йилда тузилган хулоса (и.в.43), дастлабки тушунтириш хатлари, зарар тўлангани ҳақидаги квитанция (и.в.81), “Ўздаверлойиҳа” институти “Фарвилерлойиҳа” бўлинмасининг ҳужжатлари нусхаси (и.в.88-92), жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.101-107), ишга алоқадор шахсларни сўроқ қилиш баённомалари ҳамда бошқа объектив далиллар билан ҳам ўз тасдиғини топди.

Суд, судланувчи Қ.Ҳамроқуловнинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, судланувчи Қ.Ҳамроқулов Бешариқ тумани “Чимбой-Бешсари-Новкат” ММТП худудида 705-сонли контурда жами ер майдони 3.2 гектар, экин ер майдони 2.4 гектар туман заҳирасига қайтарилган бўлса-да, суғориладиган экин ерлар атамасида бўлган ўртача 62 балл бонитетли ер майдонининг 257.11 кв.метр қисмига ҳуқуқий ҳужжатларсиз, ўзбошимчалик билан ноқонуний қурилмалар қуриб эгаллаб олиши натижасида 257.11 кв.метр суғориладиган экин ер майдонининг унумдор қатлами йўқотилиб, давлат ва жамият манфаатларига 22.773.118 сўм миқдорда зарар етказиб, қасддан жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг



шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб, 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)” деб тушунтириш берилган.

Суд, юқоридагиларга амал қилиб, судланувчи Қ.Ҳамрақуловга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганини, оилавий шароитини, 3 нафар фарзанди борлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини, жазони оғирлаштирувчи ҳолат аниқланмаганини, шунингдек, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазо маҳқумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш, маҳқум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилишини ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолат деб жиноят натижасида ектазилган зарарлар бартараф этилганини, оилада ягона боқувчи эканини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб ЖКнинг махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ҳамрақулов Қахрамон Жуманович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Қ.Ҳамрақуловга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо жазони ижро этувчи органлар белгилаб берган жойларда ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати Қ.Ҳамрақулов жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Жазо ижросини назорат қилиш Бешариқ туман ИИО Пробация гуруҳи инспекцияси зиммасига юклатилсин.

Қ.Ҳамроқуловга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят натижасида етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани инобатга олинсин.

Фарғона вилоят Прокуратурасининг “Ипотека-банк” АТИБ Фарғона вилоят филиалининг 20203000600446441001-сонли депозит рақамига зарарни қоплаш мақсадида ундирилган 22.773.118 сўм пул маблағи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Фарғона вилоят бошқармасининг тегишли ҳисоб рақамига зарарни қоплаш мақсадида ўтказилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Ҳукм нусхаси аслига тўғри

Жиноят ишлари бўйича
Бешариқ туман судининг раиси

О.Хасанов

